

Шарқ мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида парламентаризм масалалари

Мустақиллик шарофати билан ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар кўплаб қадриятларимизни, шу жумладан, миллий парламентаризм соҳасига доир муаммоларни ҳам янгидан ҳолисона ва илмий асосда тадқиқ этишни тақазо этмоқда. Зеро, миллий давлатчилигимизнинг тарихий тажрибасидан, умумдавлат аҳамиятига молик масалаларни халқ вакилларининг бевосита иштирокида ҳал қилиш анъаналаридан ижодий фойдаланиш бугунги кунда долзарб масала сифатида кун тартибига чиқмоқда.

Парламентаризм ғояси ва амалиёти Европада пайдо бўлган бўлсада, шарқ халқларида мажлис, машварат, кенгаш ва қурултой каби номларда халқ вакиллик тизими сифатида чуқур тарихий илдизларга эга. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов парламентнинг жамият ҳаётидаги ўрнини алоҳида таъкидлаб, шундай ёзади: “Парламент бу жамият ҳаётини ойнадек яққол акс эттирадиган кўзгу. Бинобарин, қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва музокараларда ўз аксини топиши керак. Ана шунда парламент халқнинг хохиш–иродаси, эзгу мақсадларини мужассам эта олади”¹. Шарқ халқларида жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи сиёсий институт сифатидаги парламентнинг назарий асослари илк ўрта асрларда вужудга кела бошлаганди. Жумладан, буюк қомусий олим, мутафаккир Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида “...кенгашлар ўтказилаётганда вазирлар, савдогарлар ва мансабдорларнинг бажараётган ишларига, уларнинг ўзаро муносабатларига – аҳил ёки ноаҳил эканликларига катта эътибор бериш зарурлигини ва шу билан бирга соҳиби қонунлар ва шаҳар аҳолиси

¹ Каримов И.А. Парламент – жамият ҳаётининг кўзгуси. // Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 26.

томонидан уларнинг фазилатларини эътироф қилиб рағбатлантириш кераклигини таъкидлайди². Ўрта асрлар ҳукмдорларнинг таянчи бўлиб хизмат қилган таниқли давлат арбоби Низомулмулк ўзининг “Сиёсатнома” асарининг “Подшоҳларнинг донолар ва оқсоқоллар билан кенгаш қилиши ҳақида” деб номлаган ўн саккизинчи фаслида “Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тadbир энг савобли (тўғри) бўлади ва доим шундай йўл тутиш керак”³, - деб ёзади.

Мумтоз давлатчилик намунаси ҳисобланган Амир Темур ва темурийлар даврида бу назарий қоидалар ўз амалий ифодасини топди. Бу даврда давлат бошқарувига оид энг долзарб, жумладан, бошқа давлатларга юриш қилиш, сулҳ тузиш ва иқтисодий-сиёсий соҳага оид муҳим масалалар жамиятнинг энг нуфузли кишилари, турли табақа ва этник гуруҳлар вакиллари билан маслаҳатлашиб ҳал этилган. Соҳибқирон Амир Темурнинг “барча ишларимнинг тўққиз улушини кенгаш, тadbир ва машварат, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтирдим”, - деган сўзлари омма фикрига таяниб иш кўриш, ҳозирги ибора билан айтганда парламентимиз тарихининг узоқ ўтмишга бориб тақалишини англатади⁴. Фақат давлат бошқарувида эмас, балки ҳарбий ҳаракатларда ҳам кенгашларга катта аҳамият берилган. «Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри кенгаш билан амалга ошириш мумкин⁵», деган фикр бунинг тасдиғидир.

Уруғлар, ҳудудлар ва табақаларга ўз даврининг бош сиёсий институти ҳисобланган қурултойларга ўз вакилини юбориш ихтиёри ҳам берилган эди. Қурултойда давлат амалдорлари, лашкарбошилар, олиму уламолар, улуғ ва кекса тажрибали кишилар қатнашган. Бундай йўл тутиш бошқарувни тизимли амалга ошириш, муҳим қарорлар қабул қилиш, жамиятдаги барча тоифалар манфаатлари мувозанатини таъминлаш имконини берган. Умуман олганда Венгер олими Ҳ.Вамбери Амир Темур давридаги қурултойни, унинг

² Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2012. – Б. 85.

³ Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк). Иккинчи тўлдирилган, қайта ишланган нашри. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 93

⁴ Темур тузуклари / Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир М. Али, форсчадан таржимон А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов. – Т.: Шарқ, 2005. – Б. 13.

⁵ Темур тузуклари / Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир М. Али, форсчадан таржимон А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов. – Т.: Шарқ, 2005. – Б. 18.

давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрнини юксак баҳолаб, уни “Миллат мажлиси⁶”, деб эътироф этади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз ўғли Ҳумоюнга ёзган мактубида ҳам ажойиб сатрлар бор. Бунда давлат ишларида, мамлакатни бошқаришда юрт сардори ҳамиша атрофдаги беклар, ҳаётий тажрибага эга шахслар билан машварат қилиши, ёр-биродарларини ғанимат билиб, уларнинг суҳбати ва маслаҳатларини инобатга олиши лозимлигига эътибор қаратилганлигини кўрамиз. Бу сатрлар, тарбиявий аҳамиятидан ташқари, айниқса, подшоҳ бир қарорга келишда бамаслаҳат иш кўриши лозимлиги талқинида берилиши диққатга моликдир: “Агар менинг ризоимни тиларсен, хилватнишинликни ва эл била кам ихтилотликни бартараф қилгил. Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрлариға қўймай, қошингға чарлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўз - унга қарор бергайсан⁷”.

Бухоро амирлигидаги маърифатпарварлик ҳаракатининг асосчиси ҳамда жадидчиликнинг маънавий раҳнамоларидан бири Аҳмад Донишнинг сиёсий қарашларида ҳам парламентаризм масалалари кўтарилган. Мутафаккир ўзининг “Наводирул вақое” асарида, мамлакат аҳамиятига молик ҳар бир ишларни Машваратхона (“Мажлислар уйи”) ёхуд ҳозирги кундаги Парламент орқали амалга ошириш ғоясини биринчилардан бўлиб илгари сурди.

Аҳмад Дониш машваратнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрнига алоҳида эътибор берар экан, бу тўғрида шундай дейди: “... Мамлакат учун фойдали бир иш подшоҳ хотирига келар экан, уни амалга оширишга дарҳол киришмасин. Аввал ўзи шу иш устида фикр юргизиб, сўнгра уни машваратга қўйсин. Агарда уни машварат ҳам тўғри топар экан, бисмилло деб бу ишни бошласин”⁸.

⁶ Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. - Б. 34.

⁷ Кудратуллаев Ҳ. “Бобурнома” асрори калити // www.ziyouz.uz/index.php?option=com...view...1963...

⁸ Дониш Аҳмад. Наводирул вақое. (Нодир воқое) – Т.: Фан, 1964. – Б. 59.

Мутафаккирнинг зикр қилишича, машваратхона аъзолигига мамлакат халқининг турли табақалари аъзолари орасидан энг ақлли, кўпни кўрган, тажрибали ва илмли кишилар сайланиб, уларга маош тўланишини керак. Кенгаш пайтида вакиллар халқ ҳамда давлат манфаатларини кўзлаб, фикр юритиб, улар қайси қарорга келсалар, шу ишлар амалга оширилиши лозим. Мамлакат ободлиги ва халқнинг манфаати устида бир ишга улар иттифок қилган бўлсалар, қабул қилинган қарорлар султонга тақдим этилиши, у ҳам шу қарорга қўшилса, ижроси таъминланиши зарур.

Аҳмад Дониш ўз даври ҳукмдорларнинг давлат бошқаришдаги камчиликларини кўриб ва бу иллатларни кескин танқид қилар экан: “Кўп ақллар бир ерга йиғилсалар, кўп вақтда хато чиқмайди”⁹, дейди.

Аҳмад Дониш “Дорул–машвара” амир саройидан ташқарида очилиши кераклигини таъкидлаган. Мутафаккирнинг зикр қилишича, агарда бу маслаҳат мажлисини подшоҳ ҳузурида очсалар, баъзилари уялганидан ва баъзилари салтанат даҳшатлари босганидан ҳақ сўзни очиқ айтишга тортинадилар ёки султоннинг райига қараб бу иш тўғри ёки нотўғри деб айта олмайдилар. Балки султоннинг райи хато бўлса ҳам, уни тўғри деб айтишга мажбур бўладилар. Энг яхшиси бундай вақтда подшоҳ ўз деганига қарамай, кўпчиликнинг маслаҳати тўғри бўлса, ўшаларга қўшилсин. Алломанинг фикрича, подшоҳ ҳар қандай оғир ва қўрқинчли аҳволга тушса-да, енгиллик ва шошқалоклик қилмасин. Балки оғирлик ва сабрлилик кўрсатиб кенгаш билан иш олиб борсин¹⁰.

“Давлат бошлиғининг зарур бўлган вазифаларидан бири, - деб ёзади Аҳмад Дониш, - кўпчилик халқ ризолиги ва давлат улуғларининг маслаҳатлари билан ўзига ... вазири доно сайлаб олсин”.

Шунингдек, мутафаккир “давлат раҳбари ўз кенгашларига ҳасадчи, чақимчи ва иғвогар кишиларни йўлатмасин. Бундай одамлар подшоҳ кенгашларига йул топиб қолар эканлар, кўп фитна ва фасодларга сабаб

⁹ Дониш Аҳмад. Наводирул воқое. (Нодир воқое) – Т.: Фан, 1964. – Б. 60.

¹⁰ Дониш Аҳмад. Наводирул воқое. (Нодир воқое). – Т.: Фан, 1964. – Б. 69.

бўладилар”, - деб алоҳида таъкидлайди. “...Шундай экан, султонга ўз сўзини айта олмай, унга тўғри йўлни кўрсата олмай ўлтириш энг ортиқ даражада ҳимматсизлик, ниҳоятда аҳмоқлик ва нодонликдир. Ўзини ва бутун халқни кўра-била ҳалокат чуқурига ташламоқ дили кўрларнинг ишидир”, - деб фикрини давом эттиради Аҳмад Дониш. У илгари сурган давлат бошқарувини адолатли, халқпарвар тарзда ташкил қилишнинг асосланган самарали чора-тадбирларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш, давлат механизмини тартибга солиш, халқ фаровонлигини таъминлаш ҳақидаги ижтимоий-сиёсий ғоялар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, Аҳмад Дониш шундай хулосага келади:

– *биринчидан*, давлат аҳамиятига молик ҳар бир масалани машварат (парламент) орқали амалга ошириш лозим;

– *иккинчидан*, машваратхона аъзолигига аҳолининг турли қатламларидан (ижтимоий-сиёсий тенглик масаласи) сайлаш тартибини жорий қилиш керак;

– *учинчидан*, порахўрлик ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишни олдини олиш мақсадида вакилларга маош тайинлаш лозим;

– *тўртинчидан*, Парламент биноси ҳукмдор саройидан ташқарида бўлиши керак;

– *бешинчидан*, машварат аъзолари ҳар қандай ҳолатда вазминлик ва сабрлилик билан тўғри қарор чиқариши лозим.

Ҳозирги кунда Аҳмад Дониш каби буюк аجدодларимиз қолдирган бой илмий, маънавий мерос тараққиётимизнинг қудратли таянчи ва етакчи омилларидан бири ҳисобланади.

Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг ёрқин намоёндаси Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам ўз замонаси парламентаризмига оид ғояларини илгари сурган ва сиёсий ҳаётни модернизациялаш ҳаётий долзарб масала эканлигини ўз асарларига асослаб берган. Бехбудий замонасидаги мавжуд идора усулларининг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида фикр юритган. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг эътиборини тортган идора усулларидан бири

Идораи маршрутдир (Конституцияли парламентли ҳокимият). Мутафаккир бу идора усулини шундай изоҳлаган: “Идораи маршрута – ... бу ҳукуматга тобеъ одамлар аксар аҳли илм ва ҳунардурулар. Элу уруғлари илм, ҳунар ва дунё ишларига тараққий қилгандурки, шул тарика фуқаролар ўз ароларидан инсонлик, илм ва дунёдан хабарлик одамларни ўзларига катта ва бошқарувчи вакил сайлайдурулар ва шул тарика сайланган вакилларни подшоҳ жамлаб, муқаррарий маҳкамаларга миннатдорчилик ишларига араллашиб, машварат ила тузатилмоқ ва муҳофазат қилинмоғига кўз бўлмоқлари учун қарор берадуруки, аларни(нг) мажлис ва маҳкамаларини “Миллат мажлиси”, “маслаҳатхона”, “парламенту”, “Гўсударски Дум”, “Мажлиси синодий” (сенат мажлиси), “Эл мажлиси” деган исмлар ила ёд қилинадур. Яна баъзи маслаҳатхоналар борки, маслаҳатбошиларни, ҳукмдорларнинг (подшоҳнинг) ўзи тайин қиладуру¹¹”, - деб таъкидлайди.

“Ушбу миллат мажлисини(нг) чилон (аъзо)лари машварат ила мамлакатдорлик ишларига араллашиб, низом ва қонун тузатиб, ҳукмдор ва подшоҳларларни қилатургон ишларига аралашадур. Подшоҳ бу мажлис амрига тобеъдуру. Мажлис мабъусон (депутутлар)ни(нг) ройи бўлмагунча катта ишларни бошланмоқиға амр ва ҳукм қилолмайдуру. Хулоса, императўр соҳиб ихтиёр бўлмай, дурустроқ ишларга қонун ва низомларни чиқарилмоғига бутун эл мажлисга тобеъ бўлиб турадуру¹².

Бухоро Халқ Шўролар Жумҳуриятидаги муҳим давлат ишлари Қурултой асосида ҳал этилиб, қўплаб иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ислоҳотларни амалга оширилган. Айниқса, “Жадид тараққийпарварлари партияси” дастурининг 2-моддасида “... ҳокимият асосини демократия йўли билан сайланган миллат мажлиси ёки вилоят ва шаҳарларда вилоят ҳамда шаҳар мажлислари ташкил қилади”¹³ деб таъкидланади. Шунингдек, дастурнинг 3-моддасида: “Марказий ҳукумат

¹¹ Маҳмуҳўжа Бехбудий. Танланган асарлар. (Тузатилган ва тўлдирилган 2-нашри). – Т.: Маънавият, 1999. – Б. 24.

¹² Маҳмуҳўжа Бехбудий. Танланган асарлар. (Тузатилган ва тўлдирилган 2-нашри). – Т.: Маънавият, 1999. – Б. 25.

¹³ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер / Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан Хотиралар. – Т.: Адолат, 1997, – Б. 112.

аъзолари миллат мажлисининг розилиги билан Жумхурият раиси (Президент) томонидан, вилоятлараги бошлиқлар эса марказий ҳукумат тарафидан тайинланажақ,” – деб, ёзиб қўйилганлиги бизда парламентаризмнинг тарихий ва назарий асослари бўлганлигини кўрсатади.

Юқоридагилардан англашиладики, ўзбек миллий давлатчилиги ўзининг тарихий тараққиёти давомида халқ ва миллат иродасини ифода қилиб, унинг истак-хохишларини рўёбга чиқаришни мақсад қилиб, ҳамда ҳуқуқий давлатчилик назарияларини амалиётда қўллаб келган.